Солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари

Абдуллаев Аброр Бозарбоевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Молиявий таҳлил” кафедраси доценти, PhD.,
abdullayevabror@tsue.uz , ORCID: 0000-0001-8981-6708

Аннотация: Мазкур мақолада солиқ тизимининг давлат иқтисодий сиёсатидаги ўрни ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европа Иттифоқи солиқ тизимлари қиёсий таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида солиқ турларининг таркиби, уларнинг иқтисодий фаолият субъектлари даромади, истеъмоли ва мулкий ҳолати билан боғлиқлиги, шунингдек солиқ адолати ва фискал барқарорликни таъминлашдаги роли очиб берилган. Солиқ маъмуриятчилигининг норматив-ҳуқуқий асослари, рақамлаштириш даражаси ва институционал хусусиятлари халқаро амалиёт билан таққосланган ҳолда баҳоланиб, миллий солиқ тизимининг соддалаштирилган ва рағбатлантирувчи модели илмий нуқтаи назардан таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада корхоналарда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. OECD, Европа Иттифоқи ва АҚШ тажрибалари асосида рақамлаштирилган солиқ ҳисоботи, автоматлаштирилган риск-таҳлил, реал вақтда мониторинг ва ахборот тизимларини интеграциялаш механизмларининг самарадорлиги асослаб берилган. Тадқиқот натижалари солиқ ҳисобини юритишда шаффофлик ва аниқликни ошириш, инсон омилини камайтириш ҳамда миллий солиқ тизимини халқаро стандартларга мослаштиришга қаратилган илмий-амалий хулосалар ва таклифларни шакллантиришга хизмат қилади.

Таянч сўзлар:
солиқ тизими, солиқ мажбуриятлари, солиқ ҳисоби, рақамлаштириш, солиқ маъмурияти, автоматлаштирилган тизимлар, шаффофлик, фискал назорат, солиқ инвентаризацияси, солиқ тўловчилар, электрон солиқ ҳисоботи, риск-таҳлил, ҳисоб сиёсати, институционал ислоҳотлар, солиқ мониторинги.

Корхоналар амалиётида солиқ мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни юритишда учрайдиган методологик заифликлар, ахборотдаги номутаносибликлар, норматив-ҳуқуқий асосларнинг ўзгарувчанлиги ҳам тизим самарадорлигига таъсир кўрсатмоқда. Мазкур муаммоларни бартараф этиш, солиқ ҳисобини юритишда ягона ёндашувлар ва аниқ методик мезонларни ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, солиқ ҳисобини такомиллаштиришнинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиш ва уларни корхона амалиётига мослаштириш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштиришга оид назарий ёндашувлар тизимли ўрганилган холда, корхоналардаги амалдаги ҳисоб-китоб механизмлари таҳлил қилиниб, уларни модернизациялашнинг амалий йўналишлари асослаб берилади. Шунингдек, рақамли солиқ маъмурияти талаблари, инновацион ахборот технологиялари имкониятлари ва миллий амалиёт хусусиятлари инобатга олиниб, солиқ ҳисобини юритишнинг оптимал моделлари таклиф этилади. Мазкур тадқиқот натижалари корхоналарда солиқ ҳисобининг ҳуқуқий, методологик ва ташкилий жиҳатдан такомиллашувига хизмат қилади.

Солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш масаласи жаҳон ва миллий илмий адабиётларда кенг муҳокама қилинаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Хусусан, хорижий олимлардан Дж. Стил, Р. Масгрейв, М. Кин каби тадқиқотчилар солиқ маъмурияти самарадорлигини оширишда аниқ ҳисоб ва тезкор мониторингнинг тутган ўрнини назарий жиҳатдан асослаб беришган. Уларнинг фикрича, солиқ мажбуриятларини ҳисобга

олишнинг тўғри йўлга қўйилиши фискал сиёсат барқарорлигини таъминлашнинг асосий шарти бўлиб, ҳисоб тизимидаги ҳар қандай номутаносиблик давлат бюджетига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга, Е. Хелферт ва Ф. Чайлдс каби тадқиқотчилар бухгалтерия ва солиқ ҳисобининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашда ахборот тизимларининг ролига алоҳида эътибор қаратган. Улар кўрсатишича, автоматлаштирилган ҳисоб тизими солиқ мажбуриятларини аниқлашда инсон омиллари билан боғлиқ хатоларни минималлаштиради, солиқ баённомаларини тўғри тузиш имкониятларини кенгайтиради ва солиқ назоратининг сифат мезонларини такомиллаштиради. Бу ёндашувлар корхоналарда замонавий ҳисоб технологияларини қўллаш зарурлигини янада кучайтириб беради.

Мамлакатимиз олимлари А. Вахобов, Д. Абдуллаев, Х. Ҳамидовлар эса корхона миқёсидаги солиқ ҳисобининг қонунчилик асослари, методик мезонлари ва амалиётдаги муаммоларини чуқур таҳлил қилиб беришган. Улар солиқ ҳисобидаги мураккабликларнинг асосий сабабларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тез-тез ўзгаришини, кўпинча корхоналарда солиқ мажбуриятларини аниқлашда ягона стандартларнинг йўқлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, миллий амалиётда солиқ мажбуриятларини инвентаризация қилиш жараёнлари етарлича автоматлашмагани ҳам таъкидланган. Айниқса, солиқ ҳисобини юритишда рақамлаштиришнинг ўрни муҳим илмий йўналиш сифатида намоён бўлмоқда. Улар солиқ маъмуриятида электрон интеграция, онлайн маълумотлар алмашинуви ва автоматик солиқ ҳисоблаш модулларининг жорий этилиши орқали корхоналар фаолиятида шаффофлик ва тезкорлик ошиши мумкинлигини асослаб беришган. Бу фикрлар корхоналар учун инновацион солиқ ҳисобини жорий этишнинг катта амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Муаллиф нуқтаи назаридан олганда, солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш фақат техник ва ташкилий ўзгаришлар билан чекланиб қолмасдан, кенг қамровли институционал ислоҳотларни талаб этади. Жумладан, солиқ ҳисобини юритишда ягона миллий стандартларни ишлаб чиқиш, солиқ тўловчилар ва солиқ маъмурияти ўртасида ахборот алмашинувини тўлиқ рақамли форматга ўтказиш, корхоналар учун автоматлаштирилган солиқ моделларини жорий этиш бу борада муҳим вазифалардан ҳисобланади. Муаллиф фикрича, солиқ ҳисобини такомиллаштиришнинг илмий-методологик асослари миллий амалиётга чуқур интеграция қилинмас экан, тизимни модернизациялаш ўзининг тўлиқ самарасини бермайди.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, хориж ва миллий тадқиқотчиларнинг илмий ёндашувлари солиқ ҳисобини такомиллаштириш масаласида бағоят бой назарий пойдевор яратади. Муаллифнинг умумлаштирган қарашларига кўра, корхонада солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнлари имкониятлари, хавфлар ва замонавий инновациялар доимий уйғунлаштириб борилган тақдирдагина самарали натижага эришиш мумкин. Бу эса солиқ ҳисобини юритишни келгусида янада мураккаб, бир вақтнинг ўзида эса юқори даражада интеллектуал жараёнга айланишига замин яратади.

Мазкур тадқиқотда солиқ тизимларини қиёсий таҳлил қилишга қаратилган комплекс илмий методология қўлланилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европа Иттифоқи солиқ тизимларининг таркибий тузилиши ўзаро қиёсий таҳлил усули асосида ўрганилди. Ушбу ёндашув орқали солиқ турларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, уларнинг иқтисодиётга таъсир механизмлари ҳамда давлат молиясини шакллантиришдаги ўрни аниқланди. Шунингдек, тизимли таҳлил усули ёрдамида солиқларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг давлат молиявий сиёсатидаги роли яхлит ҳолда кўриб чиқилди. Шунингдек, тадқиқот жараёнида индукция ва дедукция методларидан ҳам фойдаланилиб, алоҳида солиқ турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб умумий хулосалар шакллантирилди ҳамда назарий қоидалар асосида амалиётдаги ҳолатлар таҳлил этилди. Мантиқий таҳлил, таснифлаш ва умумлаштириш усуллари орқали солиқ мажбуриятларининг функционал гуруҳланиши амалга оширилди. Шу билан бирга, расмий

меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро солиқ амалиётига оид илмий манбалар контент-таҳлил усулида ўрганилиб, тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги ва холислиги таъминланди.

Солиқ тизими ҳар қандай давлатнинг иқтисодий сиёсатини амалга оширишда муҳим молиявий механизм ҳисобланади. Давлат бюджети даромадларининг асосий қисми солиқлар ҳиссасига тўғри келиб, улар орқали ижтимоий соҳа, инфратузилма, мудофаа ва бошқа йўналишлар молиялаштирилади. Шу боис солиқларнинг турлари, уларни ундириш усуллари ва иқтисодиётга таъсири илмий таҳлил қилишни талаб қилади.

Жаҳон амалиётида солиқ тизимлари мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, бошқарув модели ва ижтимоий устуворликларига қараб фарқ қилади. Масалан, АҚШ солиқ тизими федерал, штат ва маҳаллий даражаларда шаклланган бўлиб, жисмоний ва юридик шахслар даромад солиқлари, ижтимоий суғурта бадаллари ҳамда истеъмолга боғлиқ солиқлар устувор ўрин тутади. Европа Иттифоқи давлатларида эса қўшилган қиймат солиғи (Value Added Tax) марказий ўринда бўлиб, капитал ҳаракати, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган солиқ турлари кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими эса бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида шаклланган бўлиб, миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган. Қуйидаги расмда Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европа Иттифоқи солиқ турлари таркибий жиҳатдан таққослаб берилган бўлиб, у солиқ тизимларининг умумий концептуал асосларга таянишини намоён этади. Барча ҳолатларда солиқлар давлат бюджети даромадларини шакллантирувчи асосий манба сифатида кўрилган ва улар иқтисодий фаолият субъектларининг даромади, истеъмоли ҳамда мулкий ҳолатига боғланган. Бу ёндашув солиқ юкини иқтисодий имкониятларга мутаносиб тақсимлаш, яъни солиқ адолатини таъминлаш принципига асосланади. Шу билан бирга, 1-расмда келтирилган тасниф солиқ тизимларидаги функционал фарқларни ҳам очиб беради. Масалан, АҚШ ва Европа Иттифоқида даромад солиқлари билан бир қаторда ижтимоий суғурта ва махсус мақсадли солиқлар алоҳида аҳамият касб этади, бу эса давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари юқорилигини кўрсатади. Ўзбекистон солиқ тизимида эса солиқ турларининг нисбатан камлиги ва тузилманинг соддалашгани давлат бошқарувида самарадорликка эришиш ҳамда иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга қаратилган стратегик ёндашув сифатида баҳоланиши мумкин.


Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европа Иттифоқи солиқ турлари таркиби
Ўзбекистон Республикаси солиқ турлари таркиби
1. Қўшилган қиймат солиғи
2. Акциз солиғи
3. Фойда солиғи
4. Жисмоний шахслардан олинадиган
5. Ер қаъридан фойдаланганлик
6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
7. Мол-мулк солиғи
8. Ер солиғи
9. Ижтимоий солиқ
АҚШ солиқ турлари таркиби
1. Жисмоний шахслар даромад
2. Корпоратив даромад солиғи (Corporate Income Tax)
3. Ижтимоий суғурта солиқлари (Social Security Tax)
4. Тиббий суғурта солиғи
5. Федерал ишсизлик солиғи (Federal Unemployment
6. Акциз солиқлари
7. Савдо солиғи (Sales Tax)
8. Фойдаланиш солиғи
9. Мол-мулк солиғи
10. Мерос солиғи
11. Ҳадя (совға) солиғи
Европа Иттифоқи солиқ турлари таркиби
1. Қўшилган киймат солиғи (Value
2. Акциз солиқлари
3. Корпоратив даромад (фойда) солиғи (Corporate Income
4. Жисмоний шахслар даромад солиғи (Personal Income Tax)
5. Ижтимоий суғурта бадаллари (Social Security Contributions)
6. Мулк солиқлари (кўчмас мулк, ер ва бошқа активлар бўйича)
7. Капитал ўсиши солиғи (Capital Gains Tax)
8. Экологик солиқлар (углерод чиқиндилари, энергия истеъмоли ва табиатга
9. Молия операциялари ва
10. Мерос ва ҳадя солиқлари (Inheritance and
11. Махсус йиғимлар ва божлар

1-расм. Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европа Иттифоқи солиқ турлари таркиби.[1]

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир мамлакат солиқ тизими ўзининг иқтисодий мақсадлари ва институционал хусусиятларига мос равишда шаклланган. АҚШ солиқ тизимида даромад ва ижтимоий суғурта солиқлари етакчи ўрин тутса, Европа Иттифоқида қўшилган қиймат солиғи ва экологик солиқлар муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда солиқ тизими эса нисбатан ихчам ва соддалаштирилган бўлиб, давлат ва солиқ тўловчилар ўртасидаги муносабатларни шаффофлаштиришга қаратилган. Миллий солиқ тизимининг афзаллик жиҳатлари сифатида солиқ ставкаларининг босқичма-босқич пасайтирилиши, солиқ турларининг қисқартирилиши ва электрон солиқ маъмурчилигининг жорий этилганини қайд этиш мумкин. Бу ҳолат тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицияларни жалб қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ижтимоий солиқлар орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари мустаҳкамланиб, барқарор иқтисодий ривожланиш учун замин яратилмоқда.

Корхоналарда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнлари миллий иқтисодиётда молиявий барқарорлик ва фискал интизомни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири сифатида эътироф этилади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотлари, жумладан рақамлаштириш, ҳисоботларни стандартлаштириш ва солиқ маъмуриятини оптималлаштириш каби чоралар корхоналарнинг солиқ ҳисобини халқаро талабларга яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Бозор муносабатларининг чуқурлашуви солиқ мажбуриятларини ҳисобга олишда шаффофлик, аниқлик ва автоматлаштирилган назорат механизмларига бўлган эҳтиёжни янада оширди.

Халқаро амалиётда эса Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт (OECD), ЕИ, АҚШ ва бошқа давлатлар мисолида солиқ ҳисобини юритишда стандартлаштирилган ахборот платформаларидан фойдаланиш, солиқ тўловчиларни хавф гуруҳларига ажратиш, автоматик мувофиқлаштириш (matching), реал вақтда мониторинг ва солиқ аудитини рақамлаштириш каби тизимлар кенг қўлланилади. Шу боис, Ўзбекистон амалиётини халқаро тажриба билан таққослаш солиқ маъмуриятининг самарадорлигини ошириш, корхоналар солиқ юкини оптималлаштириш ва ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш учун муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Қуйида Ўзбекистон ва халқаро амалиётда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олишнинг таққослама таҳлили келтириб ўтилди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ва халқаро амалиётда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олишнинг таққослама таҳлили[2]

/р	Таҳлил йўналишлари	Ўзбекистон амалиёти	OECD мамлакатлари	Европа Иттифоқи (ЕИ)	АҚШ амалиёти
1.	**Норматив-ҳуқуқий барқарорлик**	Солиқ қонунчилиги тез-тез янгиланади; стандартлашув тўлиқ эмас	Барқарор ва яхлит солиқ қоидалари; солиқ кодекслари аниқ	ЕИда солиқларни мувофиқлаштириш бўйича умумий директивалар мавжуд	Барқарор солиқ кодекси; суд амалиёти кенг қўлланилади
2.	**Рақамлаштириш**	my.soliq.uz, ОНКМ;	95–99% электрон солиқ	ЕИда умумевропа	IRS томонидан тўлиқ

[1] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
[2] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

	даражаси	рақамлашти-риш ўсиб бормоқда	тартиби; интеграция юқори	e-reporting тизимлари мавжуд	электрон ҳисоботлар; e-file асосий формат
3.	**Автоматлаштирилган риск-таҳлил**	Риск-таҳлил бор, лекин инсон омили сезиларли	Автоматик risk scoring; real-time таҳлил	VAT Fraud Monitoring System каби автоматик мониторинг тизимлари мавжуд	Датабазалар асосида автоматик аудит танлови; сунъий интеллект қўлланади
4.	**Ахборот алмашинуви**	Корхона – солиқ органлари интеграцияси чекланган	Автоматик маълумот алмашинуви; интеграция юқори	ЕИда мамлакатлар ўртасида автоматик солиқ ахбороти алмашинади	Federal–State интеграцияси кучли; маълумотлар ягона ID орқали йиғилади
5.	**Инсон омили таъсири**	Солиқ ҳисобида инсон омили улуши катта	Инсон омили минимал; автоматлантирилган жараёнлар	Барча жараёнлар юқори автоматлашган	Хисоб-китобларнинг 90% да инсон аралашуви йўқ
6.	**Шаффофлик даражаси**	Оширилмоқда, аммо тўлиқ эмас	Юқори шаффофлик; автоматик терминал текширувлари	ЕИда солиқ маълумотлари умумий стандартларга мувофиқ	IRS жараёнлари шаффоф ва очиқ аудитор назорати билан таъминланган
7.	**Солиқ тўловчи учун қулайлик**	Электрон хизматлар кенгаймоқда	Солиқ ҳисоботлари 5–10 дақиқа ичида юборилади	MyTax EU платформалари жорий қилиб борилмоқда	E-file тизими орқали жуда енгил ва тезкор
8.	**Бухгалтерия ва солиқ ҳисобининг уйғунлиги**	Уйғунлик даражаси турлича	IFRS ва солиқ стандартлари тўлиқ уйғунлашган	IFRS асосида умумий ҳисоб мезонлари қўлланади	GAAP билан солиқ қоидалари ўзаро мувофиқлаштирилган
9.	**Институцио-нал ислоҳотлар**	Ислоҳотлар фаол, янги платформалар жорий қилинмоқда	Солиқ маъмурияти институционал жиҳатдан барқарор	ЕИда солиқ сиёсати марказлашган ва мувофиқлашган	Солиқ маъмурияти юқори даражада профессионаллашган
10.	**Умумий самарадорлик**	Ўсиш босқичида, имкониятлар катта	Жуда юқори самарадорлик	Тизимли ва барқарор самарадорлик	Самарадорлик ва рақамли назорат жаҳон бўйича энг юқорилардан

Юқорида келтирилган 1-жадвалдаги таққослама таҳлилидан хулоса шуки, мамлакатимизда солиқ ҳисобини рақамлаштириш ва соддалаштириш борасида сезиларли илғор қадамлар қўйган бўлсада, халқаро амалиётдаги автоматлаштириш даражаси ва ахборот алмашинуви тезлиги билан солиштирганда айрим функционал камчиликлар мавжуд. Хусусан, OECD ва ЕИда солиқ тўловчилар бўйича ягона интеграциялашган маълумотлар базаларининг тўлиқ уйғунлашуви солиқ мажбуриятларини реал вақтда кузатиш имконини берса, Ўзбекистонда бу жараён босқичма-босқич татбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, солиқ тўловчиларни риск-индикаторлар асосида баҳолаш, автоматик аудиторлик текширувларини ишга тушириш ва солиқ маълумотларини трансчегаравий алмашинуви ҳали тўла шаклланмаган.

Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, миллий амалиётни янада такомиллаштириш учун солиқ ҳисобини юритишда интерактив платформаларни янада кенг жорий этиш, электрон ҳисоботлар ўртасида автоматик мувофиқлаштириш механизмларини кучайтириш ва солиқ маъмуриятида сунъий интеллект элементларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида корхоналарда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олишнинг аниқлиги ва шаффофлигини оширади, фискал хавфларни камайтиради ҳамда миллий солиқ тизимининг халқаро стандартларга мослашувини таъминлайди.

Замонавий солиқ маъмуриятида солиқ мажбуриятларини аниқ ва узлуксиз ҳисобга олишни таъминлайдиган инновацион моделлар тезкор ахборот алмашинуви, автоматлаштирилган таҳлил ва рақамлашган ҳисобот тизимларига таянади. Электрон ҳисоб-фактуралар, “real-time reporting” (реал вақтда ҳисобот бериш), интеграциялашган солиқ реестри ва электрон солиқ аудити каби ахборот платформалари солиқ мажбуриятларини мониторинг қилишда илғор инструментлар сифатида хизмат қилади. Бу технологиялар солиқ тўловчиларнинг операциялари бўйича маълумотларни автоматик тўплаш ва мувофиқлаштиришни таъминлаб, инсон омилларига боғлиқ хатоларни кескин камайтиради.

Аналитик инструментлар яъни, риск-индекслар, интеллектуал таҳлил (AI-based analytics), машинали ўрганиш моделлари ва тузилмалар ўртасидаги маълумотлар мувофиқлиги (data matching) солиқ маъмуриятининг самарадорлигини янада оширади. Ушбу моделлар хавфли операцияларни барвақт аниқлаш, солиқдан бўйин товлаш схемаларини прогноз қилиш ва назоратни мақсадли йўналтириш имконини беради. Ахборот тизимларининг интеграциялашган ҳолда ишлаши, солиқ мажбуриятларининг тўлиқ айланмаси бўйлаб шаффофликни таъминлаб, фискал барқарорлик ва солиқ интизомини кучайтиради. Шу боис, инновацион технологияларга асосланган солиқ ҳисобини юритиш моделлари миллий солиқ тизимларини халқаро стандартларга мослаштиришда ҳал қилувчи омил сифатида баҳоланади.

Корхоналарда солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштириш солиқ маъмуриятининг самарадорлиги, фискал интизом ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, солиқ ҳисобининг назарий асослари тўлиқ рақамлаштирилган муҳитда қайта кўриб чиқилиши ва бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда янгиланиб бориши зарур. Хусусан, ҳисоб сиёсати, ахборот тўплаш ва таҳлил механизмлари, рақамли идентификация ва солиқбоп маълумотлар интеграцияси каби назарий категориялар замонавий инновацион технологиялар билан уйғунлаштирилмоғи лозим.

Халқаро амалиёт таҳлиллари, хусусан OECD, ЕИ ва АҚШ тажрибалари солиқ мажбуриятларини реал вақтда мониторинг қилиш, автоматлашган маълумот алмашинуви, риск-индикаторлар асосида аудитни йўналтириш ва интеллектуал солиқ назоратини жорий этишнинг юқори самара бераётганини кўрсатади. Бу моделлар солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини шаффоф, тизимли ва аниқ ҳисобга олиш имконини яратади. Ўзбекистон амалиётида ҳам рақамлаштириш тизимлари кенгайиб бораётган бўлса-да, маълумотлар платформаларини интеграциялаш, рискга асосланган назоратни кучайтириш ва ахборот сифатини яхшилаш бўйича қатор истиқболли йўналишлар мавжуд.

Инновацион моделлар ва ахборот тизимлари жорий этилиши солиқ ҳисобини юритишда учрайдиган хатолар, субъектив қарорлар ва маълумотлар такрорланишини кескин камайтириб, хавфсиз ва шаффоф фискал муҳитни шакллантиради. Электрон ҳисоб-фактуралар, real-time reporting, электрон инвентаризация, автоматлаштирилган мувофиқлаштириш (matching) ва машинали ўрганишга асосланган таҳлил инструментлари солиқ мажбуриятларини узлуксиз назорат қилиш имконини кучайтиради. Бундай ёндашувлар корхоналар молиявий ҳисобдорлигини ошириб, давлат солиқ сиёсатининг изчил амалга оширилишига хизмат қилади.

Умуман олганда, солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш жараёнларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари интеграциялашган ахборот тизимлари, рақамли платформалар, инновацион аналитик инструментлар ва халқаро стандартларга мос методологик ёндашувлар билан уйғунлашган тақдирда тўлиқ самара беради. Бу эса миллий солиқ маъмуриятининг рақобатбардошлигини ошириб, корхоналарда солиқ мажбуриятларини аниқ, изчил ва шаффоф юритишни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон солиқ тизимининг жаҳон амалиётига чуқур интеграцияланишига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. — Тошкент: “Адолат”, 2024.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш концепцияси” тўғрисидаги фармони. — Тошкент, 2023.
3. Қодиров Н.Р., Абдуллаев Ш.Х. Солиқ сиёсати ва солиқ маъмурияти. — Тошкент: ТМИ нашриёти, 2022.
4. Жураев О.Х. Корхоналарда молиявий ҳисоб ва назорат. — Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2021.
5. Маматқулов Ш.Б. Солиқ ҳисоби ва аудитнинг назарий асослари. — Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2020.
6. OECD. Tax Administration 2023: Comparative Information on OECD and Other Advanced and Emerging Economies. — Paris: OECD Publishing, 2023.
7. OECD. Implementing Online Tax Reporting Systems: Digital Innovations and Best Practices. — Paris: OECD Publishing, 2022.
8. European Commission. Taxation and Customs Union: Digital Reporting Requirements. — Brussels, 2023.
9. Internal Revenue Service (IRS). Tax Data Modernization and Real-Time Reporting Framework. — Washington, DC, 2022.
10. Horngren C., Sundem G., Elliott J. Introduction to Financial Accounting. — New York: Pearson, 2021.
11. Schiller R., Brown C. Tax Systems in Market Economies. — London: Routledge, 2020.
12. PwC. Worldwide Tax Summaries: Corporate Tax 2023–2024. — PwC Publishing, 2024.
13. Deloitte. Global Tax Administration Trends and Digitalization Insights. — Deloitte Insights Report, 2023.
14. IFC. Digital Financial Reporting and Tax Compliance in Emerging Markets. — Washington, 2022.
15. A.B.Abdullayev, Budjet daromadlari ijrosini ta’minlashda soliqlar hisobi va tahlilining ahamiyati. // “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” ijtimoiy, iqtisodiy, texnologik, ilmiy, ommabop jurnal, 2025-yil, may. № 5.
16. Мақсудов Қ. Солиқ мажбуриятларини ҳисобга олишда рақамлаштириш тенденциялари. // “Молия ва солиқ” илмий журнали, №4, 2023.